


Баҳодир КАРИМ

ИСТИҚЛОЛ АДАБИЁТИ:
назм ва наср



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

БАХОДИР КАРИМ

ИСТИҚЛОЛ АДАБИЁТИ: НАЗМ ВА НАСР

(Монография)

«Firdavs-shoh nashriyoti»
Тошкент – 2021

УЎК 821512.133.09-1

K25

КБК 83.3(СЎ)

K25

Монोगрафия Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Илмий-техниквий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган (2021 йил 29 ноябрь, 8-сонли байёнома).

Масъул муҳаррир:

Проф. Абдулла Улуг'ов

Тақризчилар:

Доц. Дилмурод Холдоров

Доц. Олим Тўлабоев

Баҳоқир Карим

Истиқлол адабиёти: назм ва наср [маън]: / Баҳоқир Карим.
– Тошкент: "Firdavs-shoh nashriyoti", 2021. – 146 б.

Ушбу монографияда мустақиллик даври адабиёти, хусусан, наср ва назмга доир асосий тамойиллар муҳокама қилинган. Зеро, бу янги – истиқлол замонидаги адабиёт бир неча асрлик ўзбек адабиёти босиб ўтган тарихий даврдан инебатан фарқ қилади. Шўро даври адабий сиёсати билан истиқлол йиллари маънавий-адабий муҳити таққосланганда ҳам айни ўзгаришлар кўзга яққол ташланади. Мазкур монография таркибига кўра асосий – "Мустақиллик даври ўзбек шеърляти" ва "Мустақиллик даври ўзбек насри" номли икки бўлимдан иборат. Кириш ва хулоса қисмида эса давр адабиётининг умумий манзарасига қисқача назҳ берилган.

Китоб кенг ўқувчилар оммаси, хусусан, филолог талабалар, магистрантлар, ёш тадқиқотчилар ва, умуман, адабиёт муҳибларига мўлжалланган.

ISBN 978-9943-7142-9-8

© Б. Карим, 2021
© "Firdavs-shoh nashriyoti" 2021

ЯНГИ ДАВР ЎЗБЕК АДАБИЁТИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

(Кириш ўрнида)

1991 йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинди. Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, илмий-адабий ҳаёти ва миллатнинг шонли тарихи учун бу ниҳоятда улкан ҳамда жаҳоншумул воқеадир. Ўзбек халқининг тарихига мустақиллик куни олтин харфлар билан битилиши табиий. Шу эътибордан Ўзбекистон Республикасининг барча ижтимоий-маданий соҳаларида, адабиёт ва санъатда янги давр бошланди. "Истиқлол", "мустақиллик" сўзлари билан сифатланадиган бу даврнинг моҳиятини ҳар ким чуқур англаши ва унинг кадр-қимматини баланд тутиши лозим. Янги давр мобайнида давлатлараро муносабатларда, халқаро маданий-маърифий, адабий алоқаларда ўзгаришлар, туб бурилишлар юз берди; тарихнинг янги саҳифалари очилди.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг мадҳияси битилди:

*"Серкуёи, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!"*

*Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мardона руҳи сенга ёр!
Улғ халқ қудрати жўш урган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!"*